

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИБИЗНЕСНИНГ ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН МУҲОҒАЗА
ҚИЛИНИШИ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТИЗИМИНИ
ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

давлат активларини хусусийлаштириш, жумладан давлат мулк объектларини «ноль»га тенг харид қиймати бўйича сотиш, шунингдек, давлат органлари ва давлат хизматларининг айрим функцияларини хусусий секторга бериш, шунингдек, давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этиш тўғрисида тақлифлар тақдим этиш;

ўзининг таркибиде белгиланган тартибда таълим муассасаларини ташкил этиш.

5. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш тўғрисидаги ҳулосани бериш бўйича ваколатли орган ҳисобланади;

тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга бевосита ёки бевосита таъсир қиладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари мажбурий равишда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилиши зарур;

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига мулоқот ёки маълум қисмига қарши бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тасдиқлайдиган қонунчилик ва ижро этиш ҳокимияти органларига ўз ҳулосаларини тақдим этиш ҳуқуқига эга;

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофиза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан тақомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

ШАРҲ

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш, хусусий мулк муҳофазаси ва кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлида бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, инвестиция муҳити ва ишбилармонлик ҳолатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар ижро этишга амалга оширилмоқда.

Мустақиллик йилларида хусусий мулкдорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини, давлат, ҳуқуқий муҳофиза қилиш ва назорат органлари билан ўзаро муносабатларда тадбиркорларнинг ҳуқуқлари устуворлигини, хусусан, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига асосис аралашувлардан ишончли ҳуқуқий кафолатларни таъминлаб берадиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди.

Бугунги кунда юртимизда 525 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъекти фаолият юритмоқда. Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг 56 фоиздан ортиги кичик ва хусусий бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган бўлиб, улар республикамиз меҳнатга лаёқатли аҳолисининг 78 фоиздан ортигини иш билан таъминламоқда.

Шу билан бирга, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни ижро этиш, жумладан, бизнес соҳаси ваколатлари ва давлат органлари ўртасида самарали мулоқот ва фойдали ҳамкорлик механизмларини йўлга қўйиш, хусусий мулк ва тадбиркорликнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли муҳофиза қилиш кафолатларини кучайтириш, вилоятлар ва туманларда бизнес-муҳитни тақомиллаштириш масалалари бўйича, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига, аввало, вилоятлар, шаҳар ва туманларда сифатли давлат хизматлари тақдим этилишини таъминлаш давлат органлари ва тадбиркорлик тузилмаларининг ўзаро ҳамкорлигини, айниқса, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини энди бошлаган даврларда уларни қўллаб-қувватлашнинг янги самарали тизимини яратишни тақозо этади.

Юқорида кўрсатилган вазифаларнинг ҳал этилиши нодавлат нотижорат ташкилотни ҳисоблаб, мақоми, йўналиши ва фаолияти қўламли, мулк шаклидан қатъи назар, тадбиркорлик субъектларини бирлаштириб турувчи Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан таъминланиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармони аввало тадбиркорлик фаолияти ривожланиши ва бизнеснинг қонуний манфаатлари муҳофазасини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси фаолияти тубдан тақомиллаштирилишини назарда тутди.

Фармонда Савдо-саноат палатасининг қуйидаги аниқ ва энг муҳим вазифалари белгилаб берилган:

а) тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида — тадбиркорлик субъектлари, айниқса, уларнинг ўз фаолиятини йўлга қўйиш даврида қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли муҳофиза қилиш кафолатларини кучайтириш, соҳанинг жадал ривожланишига ҳар томонлама қўмақ бериш, хусусий мулк ва тадбиркорликнинг устуворлик роли ва дахл-сизлигини таъминлаш, мамлакатимиз туман ва шаҳарларида аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш;

ваколатли органлар томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя этилиши ҳолатини таҳлил қилиш ҳамда таҳлил натижаларини тизимли равишда

тадбиркорлик фаолияти ривожланишига тўсиқлик қилувчи ёки чекловчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, уларни бекор қилиш зарурияти тўғрисида тақдим этилган тавсиялар ва мажбурий жавобни талаб қиладиган ёзма мурожаатлар қонунда белгиланган муддатда мажбурий равишда қўриб чиқирилиши ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига уларни қўриб чиқиш натижалари ҳақида асосланган ҳулосалар тақдим этилиши лозим;

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси вакиллари мажбурий тартибда давлат органлари, жумладан, назорат ва ҳуқуқни муҳофиза қилиш органлари ҳузурида ташкил этиладиган жамоатчилик маслаҳат кенгашларининг таркибига киритилади.

б) Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси таркибиде вилоят марказлари, Нукус ва Тошкент шаҳарларида, туманлар ва шаҳарлардаги бўлимлари билан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимиде «ягона дарча» тамойили асосида тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш бўйича ягона марказлар билан қўшма жойлаштириш тамойили асосида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказлари ташкил этилсин.

7. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказлари фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

зарур шарт-шароитларни яратиш ва бир жойнинг ўзиде кенг қўламли давлат органлари ҳамда бозор инфратузилмаси субъектларининг хизматлари, бизнес-хизматларидан фойдаланиш имкониятини тақдим этиш орқали тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

тадбиркорлик субъектларига муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш, ахборот таъминоти, давлат хизматларидан фойдаланиш-да (рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш, лицензиялаш ва бошқа ҳужжатлар) қўмақ бериш;

бизнес-режалар ишлаб чиқиш, шунингдек, лизинг, сугурта ва баҳолаш хизматларидан фойдаланиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлаш; молиявий, товар-ҳомашё ва табиий ресурслар, технологик машиналар ва ускуналар, ишлаб чиқариш объектлари, шунингдек, ер майдонларидан фойдаланишда қўмақлашиш;

солиққа тортилиш, ишчилар ёллаш, статистика, молия, солиқ ва бошқа ҳисоботларни топшириш, банк хизматлари, бино ва жойларни ижарага олиш, давлат мулк объектларини «ноль» қийматида харид қилиш-да маслаҳатлар бериш;

ҳалқаро стандартлар ва сертификация тизимини жорий этишда, жумладан ташқи савдо ҳамкорлар билан кооперация алоқаларини йўлга қўйишда, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда ёрдам бериш;

фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ зарур ахборотларни олишга қўмақлашишни таъминлаш;

тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда, улар фаолияти бўйича текширувлар ўтказилганда, тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий ва юридик ёрдам кўрсатиш, молиявий ва товар-ҳомашё ресурслари, муҳандислик-коммуникация тармоқлари, технологик машиналар ва қурилмалар, ишлаб чиқариш объектлари, шунингдек, ер участкаларидан фойдаланишда амалий ёрдам кўрсатиш;

Савдо-саноат палатаси аъзолари ва ҳамкорлари иштирокида жамоатчилик асосида қўмиталар, ишбилармонлик ва мувофиқлаштириш кенгашларини ташкил этиш;

инновация тадбиркорлигини жорий этишга, «start-up» лойиҳалар, ёшларнинг, аввало, бор олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларининг ўз бизнесини ташкил қилиш ва юритишга, шунингдек, аҳоли бандлиги ва даромадларининг жадал ўсишини таъминлашга хизмат қиладиган кичик, хусусий ва оилавий тадбиркорлик, қасанчиликнинг турли шакллари жадал ривожлантиришга фол қўмақлашиш.

г) давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик соҳасида — давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари — қонунчилик, суд ва ижро ҳокимиятлари, шунингдек, банк-молия ташкилотлари ва бозор инфратузилмасининг бошқа субъектлари билан ўзаро ҳамкорликнинг самарадорлигига хизмат қиладиган тизимнинг янги шакллари жорий этиш;

тадбиркорлик субъектлари билан давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, жойлардаги барча даражадаги давлат ҳокимияти органлари ўртасида ўзаро муносабатларни самарали ташкил этишга қўмақлашиш, «тўғридан-тўғри ва қайта алоқа» тамойили бўйича ўзаро ҳамкорликнинг амалий ва самарали механизмларини яратиш;

тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини қабул қилиш ва қайта ишлаш, ваколатли органларга қўриб чиқиш учун тақдим этиш, шунингдек, уларнинг ижро этилиши мониторинги ва таҳлилини олиб бориш;

вилоятлар марказлари, туманлар ва шаҳарларда Тадбиркорлик қўмақлашиш марказлари фаолиятини ташкил этиш, уларнинг ваколатли давлат органлари ва ташкилотлар, шунингдек, давлат хизматлари тақдим этишчи ҳўжалик бошқаруви органлари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш.

д) тадбиркорлик субъектларини ўқитиш ва кадрлар тайёрлаш соҳасида — тадбиркорлик тузилмалари учун кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими сифатини тубдан ошириш, иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, таълим йўналишлари ва ихтисосликлари бўйича ўқув дастурларини тақомиллаштириш, ҳар бир туман ва шаҳарларда қуйидаги усуллар орқали кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш доимий курсларини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмақлашиш ва рақобатли ривожлантириш давлат қўмитаси, шунингдек, Республика тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитиш маркази ва унинг ҳудудий филиаллари билан касб-ҳунар коллежлари негизиде машғулотлардан бўш вақтларда ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш;

марказ фаолиятининг йўналишлари бўйича халқаро молия институтлари, хорижий донорлар ва чет давлатларнинг тадбиркорларни ўқитиш бўйича муқобил марказлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш;

тадбиркорлик субъектлари учун тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш билан боғлиқ масалалар бўйича бозор инфратузилмаси субъектлари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан икки томонлама ва кўп томонлама музокараларни ташкил этиш.

8. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2017 йилнинг 1 июлигача бўлган муддатда «бевосита ва қайта алоқа» тамойили бўйича амалий ва самарали ўзаро ҳамкорлик механизмларини яратиш мақсадида, тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини қабул қилиш, қўриб чиқиш ҳамда тақлифларини муҳофиза қилиш бўйича махсус портални ташкил этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси фаолиятини ташкил қилиш амалиётига қуйидагилар татбиқ этилсин:

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати аъзоларининг иқтисодий фаолиятнинг муаммоли масалаларини муҳофиза қилиш, уларни ҳал этиш бўйича тадбиркорларнинг тақлифларини, шунингдек, янги бизнес-ғоялар ва лойиҳалар амалга оширилишини муҳофиза қилиш учун тадбиркорлар билан мунтазам учрашувлар ташкил этиш;

тадбиркорларга бизнес юритиш асослари, бизнес-режалар тузиш, тадбиркорлик фаолияти соҳасида қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, менежмент, молиявий бошқарув ва бошқа зарур фанларга ўқитишни ташкил этиш бўйича тадбиркорлик субъектлари учун ўқув курсларини ишлаб чиқиш ва ўтказиш;

ҳодимларни танлаш ва ўқитишда, уларнинг профессионал малакасини доимий оширишда тадбиркорларга яқиндан қўмақлашиш, худудлар ва тадбиркорлик соҳаларида малакали кадрларга бўлган эҳтиёжлардан келиб чиқиб, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида мутахассислар тайёрлашга давлат бюжетмасини шакллантиришда иштирок этиш;

таълимни ташкил этиш учун олий ўқув юрлари, касб-ҳунар коллежларининг ўқитувчилари, амалиётчи-мутахассислар, юқори натижа-ларга эришган тадбиркорлар ва хорижий мутахассисларни жалб қилиш.

е) ташқи иқтисодий фаолият ва инвестицияларни жалб қилиш соҳасида — мамлакатимиздаги тадбиркорлик субъектларининг халқаро ишбилармонлик ҳамжамиятига интеграциялашув, маҳаллий корхоналар маҳсулотларининг ташқи бозорларга чиқарилишини таъминлаш, миллий брендларни хорижда фол илгари суриш, маҳаллий ва хорижий инвестицияларни, шунингдек, замонавий технологияларни жалб этиш;

бизнес-форумлар, кўргазмалар ва ярмаркаларни ташкил этиш ва амалда маҳаллий тадбиркорлик субъектларининг кенг иштирокчини таъминлаш;

тадбиркорлик субъектларига ишончли ҳамкорлар, янги бозорларни излаш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ташқи бозорларга йўналтириш, экспорт турларини кенгайтириш ва тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини ошириш, шунингдек, уларга ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофиза қилишда ёрдам кўрсатиш;

ташкил этилган кичик саноат ва эркин иқтисодий зоналарда ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этишга оид лойиҳаларни амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари, жумладан, хорижий инвесторларга ҳар томонлама қўмақлашиш;

ўшбу муҳим ва долзарб вазифаларни амалга оширишда мамлакатимизнинг чет элди дипломатик ваколатхоналарининг савдо-иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчилари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг чет элди ваколатхоналари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш.

Давлатимиз раҳбарининг «Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофиза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан тақомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ, Савдо-саноат палатаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш тўғрисидаги ҳулосани бериш бўйича ваколатли орган этиб белгиланди. Яъни, тадбиркорлик соҳасидаги барча лойиҳалар мажбурий равишда Савдо-саноат палатаси билан келишилиши зарур.

Назорат органлари томонидан режалаштирилган текширувлар, ҳақида аввалдан Савдо-саноат палатасига хабар берилиши, шунингдек, давлат органлари, жумладан, назорат ва ҳуқуқни муҳофиза қилиш органлари ҳузурида ташкил этиладиган жамоат маслаҳат кенгашлари таркибига Савдо-саноат палатаси вакилларининг киритилиши тартиби жорий этилмоқда.

11. Савдо-саноат палатаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлари ва идоралар билан биргаликда икки ой муддат ичида Вазирлар Маҳкамасига қуйидагиларни тақдим этсин:

мазкур Фармондан келиб чиқиб, қонунчиликка киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисидаги тақлифлар;

янги тахрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси;

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси таркибиде хорижий инвесторлар, шунингдек, чет эллик ҳамкорлар билан ўзаро муносабатларда миллий компанияларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ишончли муҳофиза қилишини таъминлаш бўйича халқаро тижорат арбитраж судини ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 19 июнь

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида бизнес-ҳамжамияти билан давлат органлари ўртасида мулоқот қилишнинг самарали механизмларини йўлга қўйиш бўйича белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида Фармонда Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўмиталари ҳамкорлигида хусусий мулк ва тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш масалалари бўйича давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари ва ҳодимларининг ҳисоботларини тинглаш назарда тутилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан муаммолари масалаларини, бизнес-ғояларини ҳамда лойиҳаларини муҳофиза қилиш бўйича тизимли асосда учрашувлар ўтказиш, бизнес доиралар, илмий ҳамжамият, Ҳукумат ва аҳоли ўртасидаги мулоқотларга қўмақлашиш мақсадида ҳар йили бизнес-ҳамжамият, минтақавий ва халқаро бизнес вакилларининг Иқтисодий форумини ўтказиш кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси олдида қўйилган вазифаларини ҳамда берилган қўшимча ҳуқуқ ва ваколатларни тўлиқ ва самарали амалга ошириш мақсадида Фармон ижроси доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси фаолиятини ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унда Савдо-саноат палатасининг ташкилий-бошқарув тузилмасини тубдан тақомиллаштириш назарда тутилган.

Хусусан, Тадбиркорликка қўмақлашиш марказларининг ташкил этилиши кўзда тутилган бўлиб, улар давлат органлари ва бозор инфратузилмаси субъектларининг хизматлари, бизнес-хизматлардан бир жойда фойдаланиш учун зарур шароитлар яратиш ва имкониятларни тақдим этиш орқали тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Бунда ташкил қилинаётган Марказларнинг тадбиркорларга «ягона дарча» тамойили асосида давлат хизмати кўрсатиш субъектлари билан, шунингдек, банк, лизинг, сугурта, аудиторлик, баҳолаш, риэлторлик компаниялар ва бошқалар каби бозор инфратузилмаси субъектлари билан узвий алоқалар ташкил қилиш назарда тутилган. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят марказлари ва Тошкент шаҳрида уларнинг шаҳар ва туманларда бўлиналари билан Марказлар ташкил этилади.

Шу билан бирга, хорижий инвесторлар, шунингдек, чет эллик ҳамкорлар билан ўзаро муносабатларда миллий компанияларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ишончли муҳофиза қилишини таъминлаш мақсадида Савдо-саноат палатаси таркибиде Халқаро арбитраж судини ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар назарда тутилмоқда.

Қабул қилинган чора-тадбирларнинг ҳаётта татбиқ этилиши тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофизаси кафолатлари қўчайишини таъминлаш, бизнесни ташкил этиш ва юритишда ҳар томонлама қўмақ кўрсатиш, сифатли давлат хизматларини тақдим этиш, шунингдек, бизнес-муҳитни тақомиллаштириш масалалари бўйича тадбиркорлар билан ахборот алмашинувининг самарали усулини жорий этиш имконини беради ва мамлакатимизда хусусий мулк ва тадбиркорликнинг янада ривожланиши, чет эл инвестицияларининг кенг жалб қилиниши ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи бозорларга чиқишига хизмат қилади.

2017 йил — Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Козимжон Комилов Наманган вилояти суд-хуқуқ тизими, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан мулоқот ўтказди.

ОЛИЙ СУД РАИСИ ОЧИҚ МУЛОҚОТ ЎТКАЗМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, суд-хуқуқ тизими вакиллари, шаҳар, туман ҳокимларининг ўринбосарлари, фуқаролар йиғинлари раислари, журналистлар иштирок этган тадбирда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида инсон манфаатларини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, одамларда адолатга, давлатга ишончни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиладиган таъкидланди.

— Бу давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида маъзур масала алоҳида йўналиш сифатида қўйилганида ҳам ўз ифодасини топтоқда, — дейди К.Комилов. — Президентимиз томонидан жорий йилнинг 13 июнь куни суд органлари тизими ходимлари билан ўтказилган видеоселектор йиғилишида одил судловни амалга ошириш борасидаги ишлар, умуман, соҳада тўпланиб қолган муаммо ва камчиликларга танқидий баҳо берилиб, уларнинг сабаб ва илдиэлари атрофича таҳлил қилинди.

Тадбирда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини ислоҳ қилишга йўналтирилган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлашда эскирган қўлиб ва тамойиллар билан ишлаб бўлмаслиги ҳаётини мисоллар воситасида қайд этилди.

Маъмурий, жиноят, фуқаролик ва ҳўжалик қонунчилигини, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш, суд жараёнида тортишув принципини тўлақонли жорий этиш, аҳолига қўрсатилган юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш бўйича фикр алмашилди. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 21 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида белгиланган вазифалар ижроси доирасида олиб бориладиган ишлар таҳлил қилинди.

— Президентимиз ўтказган видеоселектор йиғилишида суд-хуқуқ тизими фаолияти бўйича билдирилган танқидий фикрлар биз, соҳа ходимлари кўп жиҳатдан давр талабидан орта қолганимизни кўрсатди, — дейди Фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилояти судининг судьяси Муъсар Султонова. — Бундан ўзимизга тегишли хулоса чиқаришимиз, фаолиятимизни янада такомиллаштириш чораларини кўрмоғимиз зарур.

Учрашувда судьялар фаолиятидаги камчиликлар атрофича муҳокама қилиниб, келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик бўйича тегишли чоралар белгиланди. Судлар томонидан фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳолининг суд идораларига, судьяларга бўлган ишончини ошириш, судьяларнинг халқ ичида бўлиб, халқ билан ҳамнафас, адолат принципларига қатъий амал қилган ҳолда фаолият юритиш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Ункўрган тумани фаоллари, аҳоли вакиллари билан ҳам учрашди.

Тадбирларда Наманган вилояти ҳокими Х.Бозоров сўзга чиқди.

А.САТТОРОВ,
ЎЗА мухбири.

ЎЗ КУНЛАРИДА ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШ

соғлиқ учун кони фойда

Ўз фасли кириб келиши билан юртимизда пишиқчилик бошланади. Турли хил ҳўл мевалар, қовун ва тарвуз ҳамда сабзавотларнинг фарқ пишган пайти. Бу каби маҳсулотларни барчаси тўғри, яъни тартиб қондаларга риоя қилинган ҳолда истеъмол қилинса, одам организмга кони фойда ҳисобланади. Тошкент тиббиёт академияси овқатланиш гигиенаси кафедраси, профессори Гули Шайхова бу ҳақда қуйидагиларни гапириб берди.

— Ўз кунлари ҳўл мевалар, хом ҳолатдаги сабзавот ва улардан тайёрланган салатлар энг керакли неъматлар ҳисобланади. Бу маҳсулотларнинг кўпчилиги чанқоқни қондиради ҳамда организмни керакли минераллар ва витаминлар билан озиқлантиради. Лекин уларнинг калорияси кам ва кун давомида кетган қувватнинг ўрнини боса олмайди.

Шунинг учун гўшт маҳсулотлари ва унинг ўрнини босувчи маҳсулотлар кунлик таомномага кириштирилиши керак. Лекин, қовурилган ва ёғли маҳсулотларнинг ҳазм бўлиши анча қийинчилик туғдиради. Шу боис, ёзнинг иссиқ кунларида кўпроқ мошхўрда, мастава, қайнатилган шўрва (ёғсиз), манпар ва шунга ўхшаш енгил ҳазм бўладиган

гўшти овқатлар тавсия қилинади.

Иссиқ бўлишига қарамай кабоб (шашлик)дан ҳеч ким воз кечмаса керак. Бундай ҳолатда кабобни сабзавотдан қилинган салатлар билан истеъмол қилиш ва сиркани кам ишлатиш лозим.

Ўз фаслида овқатланиш тартибини озгина ўзгартириш зарур. Одатда эрта-лабки нонушта кунлик овқат миқдорининг 25 фоизини ташкил этади. Демак, куннинг узоклигини эътиборга олган ҳолда уни яна 10 фоизга кўпайтириш лозим. Нонуштада сутли маҳсулотлар, творог, қаймоқ, сутли чой, сувда пиширилган гўшт, парранда гўшти, тухум, ёнғоқ ва шунга ўхшаган маҳсулотлар бўлиши керак. Тушлик эса мошхўрда, мастава, манпар, котлет, парранда

гўшtidан қилинган таомлар (сувда ёки бугда тайёрланган) дан иборат бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Шўр балик, дудланган гўшт, қазӣ ҳамда кўп тузли маҳсулотларни ёз кунлари истеъмол қилиш тавсия этилмайди, чунки бу

Ёзнинг иссиқ кунларида кўпроқ мошхўрда, мастава, қайнатилган шўрва (ёғсиз), манпар ва шунга ўхшаш енгил ҳазм бўладиган гўшти овқатлар тавсия қилинади.

Хом ҳолатдаги сабзавот ва мевалар, улардан тайёрланган салатлар, бодринг, помидор, пиёз, кўк пиёз, кашнич, ўкроплар дастурхонда доимий бўлиши лозим. Ҳўл мевалардан тайёрланган шарбатлар иссиқ кунларда айни муддао.

маҳсулотлар тез чанқатади. Кечки овқат эртарақ ейилса, фойдадан холи бўлмайди, албатта. Таом енгил ҳазм бўладиган бўлиши керак. Соат кечки 20.00 дан кейин қатик, кефир, олма ва шунга ўхшаш углеводларга бой бўлмаган ҳўл мева ва сабзавотларни

истеъмол қилиш тавсия этилади. Чанқоқни босадиган, организмни керакли микроэлемент ва витаминлар билан бойитадиган овқатлар кони фойдадир. Бундай таомлар сирасига окрошка, борш, сабзавотлардан қилинган шўрва ва бошқа енгил гўшти, тухумли маҳсулотларни киритиш мумкин. Севишли маҳсулотларимиз — қовун ва тарвузни тушлик вақтида истеъмол қилган маъқул. Чунки улар углеводларга бой, қувват беради. Яна шундай маҳсулотлар борки, улар чанқоқни босади. Буларга бодринг (99 фоизи сув), қовун, тарвуз, қулпнай, апельсин қиради.

Ёзнинг иссиқ кунлари кўпроқ сув ичган маъқул. Қайнатиб, совутилган сув 18-24 даражада илликда бўлиши керак. Сувни ҳар соатда 200 мл ичиш тавсия этилади. Қора чой, кўк чой, ўтли чойлар ҳам жуда фойдали, улар орқали организм минерал моддалар ва витаминлар билан тўйинади. Бир кунлик сувнинг меъёри 3 литргача бўлиши лозим. Албатта бу меъёр соғлом инсонлар учун. Юрак қон-томир касаллиги, буйрак хасталиги бор инсонларга сувни кўп ичиш тавсия этилмайди.

Қисқаси, ёзнинг иссиқ кунларида соғлом ва тетик юришининг муҳим шартларидан бири тўғри овқатланиш, кўпроқ сув ичиш ҳамда гигиена қоидаларига риоя қилишдир.

Ўзбекистон овози» мухбири
Тоштемир Худойкулов
ёзиб олди.



Миллий матбуот марказида

Беш ва ундан ортиқ иш жойи яратган тадбиркор

йиллик 6 фоиз миқдорида устама тўлайди

«Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик тижорат банки томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

— Бугунги кунда аҳолининг ишончини қозониш, уларнинг тадбиркорлик борасидаги интилишларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди «Ўзсаноатқурилишбанк» кичик бизнес субъектларини кредитлаш бошқармаси бошлиғи Нурбек Хусанов. — Ўтган вақт давомида банкимиз томонидан тадбиркорлар ва аҳолига 753 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилди. Натижада 29 минг 861 янги

иш ўрни яратилди. Бундан ташқари, қатор туманларда қорвачилик, паррандачилик ва лимончиликни ривожлантириш, худудларда енгил саноат ва фармацевтика соҳасида янги корхоналар ташкил этиш, мева-сабзавотни қайта ишлаш ва экспорт лойиҳаларини молиялаштиришга имтиёзли кредитлар берилмоқда.

Банк ходимлари ҳозирги вақтга қадар 496 минг хонадонга бирма-бир кириб, уларнинг имкониятини

ўрганди. Натижада тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган ва кредит маблағига эҳтиёжи бўлган 24 минг 283 хонадонга 175 миллиард сўмлик имтиёзли микрокредитлар ажратилди. Ушбу маблағлар ҳисобига 27 минг 868 янги иш ўрни яратилди.

Тадбирда меҳнат бозорига янги кириб келаётган ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасаларининг битирувчилари, муддатли ҳарбий хизматдан қайтган шахслар, меҳнат органларида рўйхатга олинган ишсиз фуқаролар учун янги иш жойлари ташкил этилишини таъминлайдиган оилавий ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида тажриба тариқасида Тошкент шаҳрида микрокре-

дитлашнинг янги схемаси жорий этилгани ҳақида ахборот берилди.

Унга мувофиқ имтиёзли микрокредитлар энг кам иш ҳақи миқдорининг 200 баробаригача, асосий қарзни тўлашга 6 ой муддатли имтиёзли даврни ҳисобга олган ҳолда, 3 йилгача муддатга берилади. Хусусан, тадбиркор битта иш ўрни яратса, 9 фоиз, иккита иш ўрни яратилганда 8 фоиз, учтадан тўрттагача иш ўрнига 7 фоиз, беш ва ундан ортиқ иш жойи яратилганда эса 6 фоиз миқдорида йиллик устама тўлайди.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга мухтаassisлар атрофича жавоб қайтарди.

Ўз мухбиримиз.

amkodor ИП ООО "AMKODOR-TASHKENT" официалный дистрибьютор в Республике Узбекистан

БЕЛОРУССКАЯ ДОРОЖНО-СТРОИТЕЛЬНАЯ, КОММУНАЛЬНАЯ, СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННАЯ И СПЕЦИАЛЬНАЯ ТЕХНИКА

сменных рабочих органов

17 Многофункциональные погрузчики с бортовым поворотом

20 Экскаваторы-погрузчики (6 модификаций)

23 Погрузчики фронтальные и универсальные грузоподъемностью от 2 до 7 тонн

Автогрейдеры

Экскаваторы гусеничные и колесные

Автопогрузчики вилочные (3 и 5 тонн)

Коммунально-уборочные машины

Катки вибраторные

Электропогрузчики вилочные (1,2; 1,6; 2,5 тонны)

Электротележки (2-, 3-тонные)

Машины с телескопической стрелой

Погрузчики с телескопической стрелой

Товар сертифицирован. Услуги лицензированы.

Узбекистон, г. Ташкент, ул. 8 Марта, 57.
Телефоны: (+998 94) 669-29-71, (+998 71) 283-42-18 (факс), 283-42-17.
E-mail: ajle@mail.ru, amkodortashkent@mail.ru Web-site: amkodor.uz